Тошкент вилоятидаги Навоий давлат кончилик институти қошидаги З-академик лицейда вилоят ҳокимлиги, вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда бошқа манбаатдор муассасалар ҳамкорлигида «Ёшлар, айниқса, битирувчиларни билим олишига йўналтириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш ҳар биримизнинг асосий вазифамизидир» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Педагоглар, ота-оналар ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган тадбирда таълим муассасалари битирувчиларни билим олиши ва касб-хунарга йўналтириш, бу борода оила-маҳалла-тълим муассасаси ҳамкорлиги-

ни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди.

— Ёшларни ўз иктидори ва лаёкатига мос касб-хунарга ёки билим олишига йўналтириш масаласи ниҳоятда долзарб бўлиб, бу борада мус-

таҳкам ҳамкорликни йўлга кўйиш, ҳамхижатлиқда ишлаш мухим аҳамиятга эга, — дейди Ёшлар иттифоқи Олмалик шаҳар қенгаша раиси Эргаш Абдураҳимов. — Шу маънода бугунги тадбир орқали тегиши муассасалар вакиллари билан яна бир карра олдимизда турган асосий вазифаларни муҳокама қилиб, тезкор ҳал этиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида зарур тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқдик.

Бахром НОРМУРОДОВ,  
ЎзМУ талабаси

## Сангзор соҳилидаги сўлим оромгоҳ

Ёз фаслининг ҳар бир куни гўёки болжонклар учун, дейсиз. Чунки сўлим ва бахаво гўшаларда сайр қилиш, турли тадбир ва кўнгилочар учрашувларда қатнашиш, саёҳатга чиқиши, айнан шу фаслига хос согломлаштириш тадбирлари бўлгани боис, фарзандларимиз ёзни орзикib кутишади.

Галлаорол туманинг Қашқабулок, қишиғидаги «Камолот» болалар соғломлаштириш оромгоҳида хордик чиқаралётган 200 нафардан ортиқ боланинг шўх-шодон қийқириғи ва ўйин-кулгуси кун бўйи тинмайди. Сангзор дарёси соҳилида жойлашган бу оромгоҳ сўлим табиити, анвойи гуллари, зилол суви билан болага ором ва ҳаловат бағишилайди.

«Лочин», «Парвоз», «Камалак» каби гурухларга бўлинган тарбияланувчилар ўтасида ўзаро дўстаона рақобат мухити юзага келади. Тўғраклар батартиб, кутубхона тарбияланувчилар ихтиёрида. Тарбиячилар Сохида Ҳабибулаева, Дилрабо Ҳафизова, Буюшша Аликулова болаларнинг мазмунли дам

олиши учун ўз ҳаётий ва педагогик тажрибаларига таянишмоқда.

— Болаларнинг кайфияти чоғ, чехрасида кувонч балкйди, — дейди оромгоҳ раҳбари Собир Содиков. — Очиқ табиат манзаралари улар учун мӯжиза. Тўғраклар фаолияти ва спорт беллашувлари табиат кўйнида белгиланган шиор асосида ўтади. Бу тадбир ва мусобақаларнинг таъсири кучини оширади. Китоб мутоласи эса «Китобсеварлар» тўғраги аъзоларининг севимли машгулотидир.

Дам олувчилар Сангзор дарёсига туташ бўғ-рөг, жилга ва булоқларни томоша қилиб, олам-олам завъ, олишмодда. Бундан ташкари, ўсмир ёшлар турли иллатлар таъсирига тушшиб ўтказилади. Тўғраклар тарбияланувчиларни таъсирида тадбирлари ташкил этилади. Жумладан, «Биз — гиёвандликка қаршимиз», «Таътили тўғракда ўтказаман», «Биз — мустақил юрт ёшларимиз», «Мутола — мусвафакият калити» каби лойиҳалар амалга оширилиб, ёшларнинг соглом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилмоқда.

Абдулла САЙДОВ

Жиззах вилояти

## Таътил завқи

Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактаби қошидаги "Бегубор ёшлиқ" спорт-соғломлаштириш оромгоҳида болалар бегубор ёшлиқнинг гаштини сурмоқда.

Оромгоҳ раҳбари С.Мирбобеевнинг таъкидлашича, жорий йил ёзги соғломлаштириш давронинг биринчи ва иккинчи мавсумида 80 нафардан ўкувчи дам олган бўлса, 3, 4-мавсумларда эса 70 нафардан боланинг қамраб олиш назарда тутилган. Мазкур масканда «Ёш китобхон», «Ёш мусавири», «Компьютер савдохонлиги», «Инглиз тилида сўзлашмаси!», «Ифодали ўқиши», «Ёш актёр» каби ижодий, «Волейбол», «Баскетбол», «Стол тенниси», «Шах-

мат», «Шашка» сингари спорт тўғраклари ўкувчиларнинг ёзги таътилда кўнгилли дам олишига қаратилган.

Чилонзор тумани ҳалқ таълими муассасалари фаолияти методик таъминлаш ва ташкил этиш бўйим. Мавнавият тарбифот маркази туман бўйими, пойтактимиздаги 12-мадданийнан ва аҳоли дам олиш марказининг «Наврўз» вокал-чолгу ансамбли, тумандаги «Катта Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигига ўтказилаётган кизи-

Бобур МУМИНОВ,  
Чилонзор туманидаги  
90-мактаб директорининг  
маънавий-маърифий ишлар  
бўйича ўринбосари

2017-yil 26-iyul, № 59 (9020)

# Коллеж битириувчилари қўллаб-қувватланмоқда

Ўзаро сұхбатлашаётган отаҳонларнинг гапи қулоғимга чалинди:

— Яқинда иморат курдингук, — деди улардан бири, — эшик-дераза ромларни қаердан олгандинг?

— Туман марказидан — Фаррух деган йигитнинг корхонасидан. Сенга ҳам шунака эшик-дераза ромларни керак бўлса, иккиманай боравер. ёш бўлса ҳам йигитнинг иши пиши, мумаласи жойида. Мижозлари ҳам кўп, — маслаҳат берди ҳам сұхбат мўйсафид...

Фаррух Равшанбеков Зомин қишлоқ хўжалиги ва маишӣ хизмат касб-хунар коллежида ўқиб юрган чоғлари алюминий профили эшик-дераза ромларни ясашга кизикарди. Йигит ишлаб чиқариш амалиётини худуддаги шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада ўтади. ўқишини таомилага, ушбу корхонада меҳнат фаолиятини бошлади. Киска муддатда унга биркирилган устанинг, корхона раҳбариятининг ишончины қононди. Ишни тез ва сифатли бажариши мижозларга ҳам манзур бўлди. Кўпнинг дусонин олиб, тез орада ўзи ҳам мустақил иш бошлади. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ўйлга кўйди. У ясаган ромлар ташкин кўринини бежирим ҳамда сифатли бўлгани боис бозорда ўз ўрнини топди. Ҳозир ёш тадбиркорниң кўл остида ўн нафар ишчи меҳнат қиялти. Уларнинг барчаси коллеж битириувчилари.

— Аввал алюминий профилидан эшик-дераза ромларни ясаган бўлсан, бугун буюртма асосида тахта ва металдан ҳам турли маҳсулотлар тайёрлаяпмиз, — дейди ёш тадбиркор. — Ҳар ойда 50—60 миллион сўмлик

маҳсулотимиз мижозларга етказиб берилапти.

Ёш ишлабармон юртимизда тадбиркорликка қартилаётган эътибордан рухланиб, балиқчилик хўжалигини ҳам ташкил этди. Айни пайтда учта ховузда балиқ парваришляяпти. Шу йилнинг ўзида тайёр маҳсулотларни экспорт килиш учун ҳамкорлар билан шартнома

лион 400 минг сўм имтиёзли кредит олдим. Бу маблагга томорқамиизда иссиқхона ташкил этиб, лимон парваришляяпмиз. Тадбиркорлик орқали оиласиз бюджетига, Ватанимиз тараққетига хисса кўшаётганимдан хурсандман.



имзолаган. Ҳамкорлик натижасида тадбиркор 30 миллион сўм соғ фойда кўриш ниятида. Бу ўйналишда ҳам беш кишининг иш билан бандлиги таъминланди.

Жиззах вилоятида Фаррух Равшанбеков сингари тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагидаги коллеж битириувчилари сафи кун сайнин кенгаймоқда. Жумладан, бу йилги коллеж битириувчиларни 1298 нафари имтиёзли кредит олиш истагини билдирилган бўлиб, айни пайтда уларнинг 505 нафари ўз фаолиятини бошлади.

— Кўпдан бўён иссиқхона ташкин этишга кизикардим, — дейди Зомин қишлоқ хўжалиги ва маишӣ хизмат касб-хунар коллежи битириувчилари Нурислом Абдусамадов. — Бизнес лойихам мутсадиди ташкилот вакилларига маъкул келиб, 7 ми-

лион 400 минг сўм имтиёзли кредит олдим. Бу маблагга томорқамиизда иссиқхона ташкил этиб, лимон парваришляяпмиз. Тадбиркорлик орқали оиласиз бюджетига, Ватанимиз тараққетига хисса кўшаётганимдан хурсандман.

2016-2017 ўкув йилида вилоятдаги мавжуд ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси мутахассиси Абдураҳим Маматкулов. — Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 2 майдаги қарорига асосан 2017-2018 ўкув йилидан бошлап вилоятимиздаги учта касб-хунар коллежи қайта ихтисослаштирилди. Жумладан, Зомин педагогика коллежи Зомин педагогика ва туризм коллежига, Жиззах политехника институти қошибди 2-академик лицей Галлаорол автомобиль йўллари ва сервис касб-хунар коллежига, Жиззах ўйхўй коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи Жиззах архитектура ва курилиш касб-хунар коллежига айлантирилди. Мазкур таълим мутассасаларининг маддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун зарур жиҳозлар, ўкув-методик адабиётлар ҳамда мақалали педагог кадрлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Янги ўкув йилида меҳнат бозори талаблари асосида

коллежларда янги йўналишларни очиш кўзда тутилган. Жумладан, пойабзал, чарм, атторлиғ ва мўйна ишлаб чиқариш технологи, ипакчи, иссиқхона ва парник хўжалиги техник технологи каби ўн бир ихтинослик бўйича кичик мутахассислар тайёрланади. Умумталим мактабларида рус тилида таҳсил олган 620 нафар 9-синф битириувчиси учун "Сайилжой" академик лицейи, Жиззах тибиёт коллежи, Жиззах транспорт-алоқа касбхунар коллежи, Жиззах педагогика коллежи, Мирзачўл агроиктисодиёт коллежларида рус тилида тълим бериладиган гурухлар ташкил этилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига ташрифи чоғида худудда балиқчилик тармомини ривожлантириш хусусида катор таклифлар билдирилган эди. Шунга асосан Арнасой транспорт ва қишлоқ хўжалиги коллежи ташкил этилади. Хаёт билан ҳамоҳанг қадам ташлаш зиммамизга катта масъулъият юкламоқда, — дейди Жиззах вилояти ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси мутахассиси Абдураҳим Маматкулов. — Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 2 майдаги қарорига асосан 2017-2018 ўкув йилидан бошлап вилоятимиздаги учта касб-хунар коллежи қайта ихтисослаштирилди. Жумладан, Зомин педагогика коллежи Зомин педагогика ва туризм коллежига, Жиззах политехника институти қошибди 2-академик лицей Галлаорол автомобиль йўллари ва сервис касб-хунар коллежига, Жиззах ўйхўй коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи Жиззах архитектура ва курилиш касб-хунар коллежига айлантирилди. Мазкур таълим мутассасаларининг маддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун зарур жиҳозлар, ўкув-методик адабиётлар ҳамда мақалали педагог кадрлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

**Абдусаттор СОДИКОВ**

Жиззах вилояти

бозори талаблари асосида

## Ёшларни тадбиркорликка йўналтириш

бунда ота-оналарнинг ҳам дунёқарашини ўзгартиришга эҳтиёж мавжуд

Олот қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини бу ўйл 643 нафар ўқувчи таомилайди. Битириувчилар 8 мутахассислик бўйича туманоғаги корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликларига ишга жойлашмоқда.

Айтиш жоизки, эришилаётган натижалар билан бирга ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлигидан кўз юмб бўлмайди. Мамлакатимизда ҳар йили юз минглаб янги иш ўринлари ташкил этилаётганига қарамай, меҳнат ресурслари миқдори муттасил ўсиб бораётгани, иктисолидётдаги таркибий ўзгаришлар ва бошқа омиллар туфайли меҳнат бозорида иши куни тақлифи унга бўлган таълабдан ортиб кетмоқда. Айниқса, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини тугаллаётган йигит-қизларни ихтисосликлари бўйича иш билан таъминлаш қиинлашиб бормоқда. Жумладан,

касб-хунар колледжимиз фермер-чорвадор, агрономия, ветеринария ва шу каби қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлашга ихтисослаштирилган бўлиб, битириувчиларимиз асосан фермер хўжаликлири ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ёки ташкилотларига ишлаб чиқариш амалиётига юборилади.

Аксарият ҳамкорлар келгусида бўлжак мутахассисларни айнан амалиёт ўтаган жойида ишга олиш кафиллигини олмайди. Албатта, бу борада барча айни ҳамкорларга юкламиш ҳам ножоиз. Чунки корхона, ташкилот ёки қайси фаолият тури билан шугулланишидан қатни назар, ҳар қандай хўжалик юритув-

чи субъектларда ҳам кўшимча иш ўринлари яратилиши ўз-ўзидан ҳал бўладиган масала эмас.

Бу борада Президентимиз мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисолий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисолий дастурни энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисида мъурӯзасида Олтинкўл тумани мисолиди муммони ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берди. Бундан тегиши хулоса чиқарган ҳолда битириувчи-ўкувчиларни тадбиркорликка йўналтириш борасида ҳам катор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўкувчиларга, айниқса, ота-оналарга фарзанди тадбиркор бўлишининг оила, маҳалла, қолаверса, юрт равнаки йўлидаги

ахамияти ҳақида кенг тушуниришлар олиб борилмоқда. Афсуски, айрим ота-оналарда журъат етишмаслиги фарзандлари режаларига андак фов бўлмоқда.

Шу ўринда таклиф сифатида шуни айтмоқчиман. Оммавий ахборот воситаради, айниқса, телевидение орқали касб-хунар колледжини битириб, имтиёзли кредит эвазига ўз бизнесини бошлаган ва ҳозир ютукларга эришаётган ўшлар ҳаётидан лавҳалар берни борилса, уни томоша қилган битириувчи-ўкувчиларни ҳамда ота-оналар дунёқараши ўзгариб, кўрқмай ола қадам ташлашга ружан тайёрланган бўларди. Зоро, ёш тадбиркорлар сафини кенгайтириш эртанинги фаровон ҳаётимиз гаровидир.

**Тўлкин ТУРДИЕВ,  
Олот қишлоқ хўжалиги  
касб-хунар колледжи  
катта ўқитувчиси**

Инклузив таълимда бола ўзининг жисмоний, психологияк, интеллектуал, этиник-маданий, тил ва бошқа хусусиятларидан қатни назар, умумий таълим тизимиగа бирликтарилид. Улар мактаб қошида ташкили қилинган маҳсус гурухларда эмас, балки согирден тенгдошлиари билан бирга жисмоний имкониятлари ҳисобга олинадиган ва маҳсус ёрдам кўрса-тиладиган умумтаълими мактабларидаги ўқишилари мумкин. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар факультети профессор-юпиторчуларни «Социология» кафедраси ва республика болалар ижтимоий мослашуви маркази педагоглари ҳамкорлигига ташкил этилган «Ўзбекистонда ижтимоий ҳодимларни тайёрлашни муаммолари ва истиқболлари» мавзусидаги конференцияда бу масалалар ба-тағсифи муҳокама қилинганда бежис эмас.

Миллий қонунчилигимизда ногиронларга ҳам ўз салоҳиятини юзага чиқариш имкониятлари яратилган. Конституциямизда эса уларнинг таълими олиши хукуки кафолатланган. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда жисмоний имкониятни чекланганни сабабли, умумтаълим мактабларига бора олмайдиган болалар ҳам бор.

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклузив таълим" лойиҳаси мамлакатимизда таълимнинг

## Инклюзив таълим ривожланиш босқичида

бу турини ривожлантиришга кўшимча турткі берди. Лойиханнинг асосий мақсади 2–10 ёшли алоҳидаги эҳтиёжли болалар учун таълим сифатини ошириш, уларнинг умумтаълим мактаблари ҳамда мактабчага таълим мусасасаларига мослашишига кўмаклашишдан иборат. Республика болалар имхитомий мослашуви маркази лойиханинг асосий бе-нефициарий хисобланади. Марказ 2004 йилда имконияти чекланган болаларга тузилиш ва ривожланнишда комплекс ёрдам кўрсатиш, шунингдек, хатарли гурухларга кирадиган болалар, но-тинч оиласларинг фарзандлари ва уларнинг бошқа аъзоларига аҳборот, психологик ва хукукий кўмаклашиш мақсадидаги ташкил этилган. Марказда 2007 йилда ташкил қилинган аҳборот-консалтинг хизмати имконияти чекланган болаларга ташхис кўйиш, реабилитация килиш, уларни ортопедик, неврологик даволаш ва таълим олишида ёрдам кўрсатмоқда. Болалар, уларнинг ота-онапарига психологияк ва аҳборот-услубий ёрдам беғараз, бепул ташкил этилади. Хизмат мутахассислари марказга келадиган ҳар бир бола учун алоҳидаги ривожланиш дастурларини ишлаб чиқмоқда. Аҳборот-консалтинг хизмати бу борада ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, БМТД ва ЕИ Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан яқин ҳамкорликда ишламоқда.

Лойиха қандай амалга оширилмокда? Асосий мақсад инклузив хизматлар сифатини яхшилаш та ахолининг ушбу масала ҳақида хабардорлигини оширишдир. Манбаатдор вазирларликлар ҳам лойихага бефарқ эмас. 2015—2017 йилларга мўлжалланган инклузив таълим бўйича миллий стратегия лойихаси асосий натижалардан бири. Лойиҳанинг моҳияти шундан иборатки, инклузив таълим соҳасидаги барча ижобий тажрибаларни тўплаб, таълим тизимини янада ривоҷлантириш учун қонунчилик ҳамда молия базасини ташкил этишда хукуматга қўмаклашишдир. Лойиха доирасида Ҳалк таълими вазирлиги билан биргаликда инклузив хизматларни ривоҷлантириш учун беш вилоят

 Maxsus ta'lim

Хар бир бола таълим олиш хукукига эга, зарурӣ даражадаги билимни эгаллаш ва қўллаш имконига эга бўлиши шарт. Инклузив таълим инсон хукуклиари бўйича ҳалқаро шартномада белгилаб берилган стандарт ва таъмийларга асосланган. 1948 йилдаёк „Инсон хукуклиари бўйича умумхакон декларацияси“ таълим олиш хукукининг барча учун дискриминация (тўсик)сиз кўллалишига чорлади.

Шунингдек, Бола ҳуқуқлари түгрисидаги конвенция(1989 й.)-да ҳам болаларнинг таълим олиш ҳуқуки кафолатланган. Таълим барча учун Дакар халқаро декларацияси (2000 й.) инсоннинг ўқиб-ўрганиш ҳуқуки илим ўрганишининг асоси эканлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон ҳукумати таълимда алоҳида эҳтиёжли кишиларнинг ҳуқуқлари тан олинишини талаб қилидиган "Имконияти чекланган кишиларнинг

## Ёшлар ҳокимлик эътиборида

Юртимизде ёш авлоднинг ҳар томонла-  
на баркамол авлод бўлиб улғайиши бора-  
сида кенг кўламли ислоҳотлар амалга  
ширилмоқда. Айниқса, глобаллашув даври-  
да уюшмаган ўшларнинг ҳаётда ўз ўрини  
топиши учун имконият яратиш, уларни  
сасб-хунарга йўналтириш ва бандлигини  
тамъинлаш масаласи долзарб аҳамиятга  
га.

## **Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda**

Президентимизнинг Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорларгини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар итифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисидаги фармони бу борада янги давринган бошланishiда замин яратдил. Эндиликда Ўзбекистон ёшлар итифоқининг Кораллапостин Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар кенгашлари раислари тегислилиги бўйича Коракалпакстон Республикаси Вазирлар кенгаси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар хокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича масахатччиси ҳисобланбили, мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришинг ўнташадиги таъсирларни оидга салаборларни ташкил этиш масаласи Дехжонобод тумани ҳокимиги диккат-эътиборида турибди.

Тұмандан 5 минг 400 даң ортىк уошмаган бышар бўлиб, шундан 2354 нафари турли соҳапарда меҳнат килади. Ёшлар итифоекининг тұнан кенгаши билан ҳамкорликда үтказаёттган чын мулокотида мавжуд мұаммодан камшиликтар атрофлича мұхоказама этилди. Иштирокчиар таскиниң үрганибы, йўл кўйилған хатоларни тўғрилаш қосасидан зарурий чора-тадбирларни белгиладик.

Профилактик хисобда турувчи болалар хамда зарзанд тарбиясига масъулияттисиз ота-оналарга ўғри йўл кўрсатиш мақсадида мальянвий-мальифий тарғибот тадбирлари ўтказилимоқда. Профилактик хисобда турувчи ўсмирларни Яккабог уманидаги «Ніҳол» тарбия ва спорт-соғломаштириши оромохигча жалб этдики.

Туман хокимияти 62-мактабнинг 9-сinf ўқувчи  
иси Фазилат Қоржованинг ilk шеърий  
ўлпамини нашр этишига молиевий жихатид  
ўзмаклашиб. Ёш тадбиркорлар Голиб Абдусато-  
ров ва Бекмирза Курбоновга чорвачилик фалиятини ташкил этиши учун "Агробанк" АТБ-  
нинг Дехқонбод филиали томонидан имтиёз-  
ли кредит ажратилди. Тумандаги 8-, 13-, 31-,  
41-, 79-мактаблардаги ёшлар иттифоқининг  
юзланчиги ташкилотларига компьютер жамлан-  
дидарини ажратди.

Мадданият үе астироҳат боғида ёшларнинг измумлини ҳордик чиқариши, интеллектуал саҳоятини бойитиш учун турли лойиҳалар ишлаб чиқсанмиз. Уюшмаган ёшларнинг бўш вакони мазмунни утказиш мақсадидаги чекча худударда кутубхона, кўчма театр ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу лойиҳаларни амалга ошириш итидоридро ёшларни аниқлашга имкон турдириди. Асосий мақсадимиз — ўғил-қизларни орт тараққиётига дахлдорлик туйғуси билан улайтириш, эл-юргта нафи тегадиган авлод килиб абариялабдири. Бу йўлда фоқат изланишимиз, ёшлар эҳтиёжини ўрганишимиз керак. Токи, яйдойи бўлиб, кўлни-кўлга берис, астойдил неҳнат қилиш Ватанимизни бундан-да гуллаб-шинатишга замин яратишими улар англаб етганин.

**Тошпұлат МАТИБАЕВ,  
социология фанлари  
НОМЗОДИ**

**Навоий давлат кончиллик институту кончиллик иши, кон-металлургия, кимё-технология, энергетика ва машинасозлик соҳалари бўйича етук мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасаларидан саналади. Илм масканида ёшларга пухта билим бериш баробарида мазкур йўналишлардаги мавжуд муаммоларни ҳам этишига қаратилган изланишларни олиб бориша алоҳидаги зътибор юнусларни таъминлаштиришга қарашмада. Бу жараёнда институт ва корхоналар ўртасида мустаҳкам ўрнатилганни муҳим аҳамиятни касб этадиган. Жумладан, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати бошқарувидаги йирик ишлаб чиқариши корхоналари, "Навоийазот", "Кизилкумцемент", "Аммофос-максам" ОАЖ, Навоий иссиқлик электр стансияси ҳамда республикамиздаги қатор олий таълим муассасалари, етакчи илмий текшириши институтлари билан ёнмкорлик таалабаларининг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариши сифати ва самарадорлигини таомонлаштиришга қаратилган тадқиқотлар устида ишлани учун қулай муҳит яратмоқда.**

Барча йўналишларда мутахассислик фанлари бўйича ўқитишининг дуал тизими жорий этилган бўлиб, 2-, 3-курс талабалари учун дарслар режа асосида бевосита ишлаб чиқариш корхоналаридағи ўқув хоналарида ташкил этилади. Йигит-қизлар З-курс охирида уч ойли ишлаб чиқариш амалиётини ўзлари иш бошлайдиган корхоналарда худди ишхизматчилик сингари меҳнат қилиб ўтайди. Фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, иш жараёни билан яқиндан танишиб, аудиторияларда олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этишади, — дейди институтнинг илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Тўлқин Нурмуров. — Шу тарикада дастлаб битирив-малакавий ишларига мавзу бўйланган муаммолар янги-янги тадқиқотлар, кашфиётлар устида ишлаш асос бўлмоқда.

Институтда ўқиб ўрган кезлари дастлаб Беруний номидаги, сўнг Президент давлат стипендиаси соҳиби бўлган Беҳзод Толиповнинг айни пайтда техника фанлари доктори, профессор А.Ҳасанов раҳбарлигига "Мураккаб таркибли сульфидли, олтин мишиякли руда ва концентратларни кайта ишлаш технологиясини яратиш" мавзусида олиб бораётган изланишлари ҳам талабалик йилларидағи завқли амалий машгулотлар билан боғлиқ. Ёш тадқиқотчи магистратурани муввафакиятли туттагтаг, соҳадаги мавжуд муаммоларни чукурек ўрганиб, сўнг янгиликларга кўл уришни максад қили. Шу ниятда Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига карашли З-гидрометаллургия заводида ишлаш юғиди назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш шарт эканини, кўз билан кўриб, ишонч ҳосил қиласайтириб юнусларни келажаги хусусида бош қотириш бирёклама

да мўридан чиқадиган иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириб, печ бўлинмаларни ёритиши мумкин. Мўридан ҳароратни пасайтириш натижасида ажralиб чикувчи чанг микдорини 10 баробарга камайтириш ҳам катта ютуқдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз металлургия саноатининг ёнимталаб масалаларидан бирни мураккаб таркибли олтинли бойитмалар ва биокекларни куидиришидир. Таҳжира ва таҳлиллар ушбу курилмадан фойдаланиши бу борада ҳам жуда кўл келишини исботламоқда. Ёш олим олиб бораётган илмий изланишлар доирасида печнинг юзаси ва мўрисидаги иссиқлик энергиясидан электр энер-



## Izlanish va samara



«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиши ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилаади».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 42-мода.

ган ишларнинг тугалланганлик даражаси асосин мезон сифатида қабул қилинган.

Кимё-металлургия факультетининг 3-курс талабаси Фарруҳ Фармоновнинг фикричча, айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилётган рангила ва қимматбаҳо металларнинг саксон фоизи Навоий вилояти хиссасига тўғри келади. Бу йўналишда ишлаб чиқариш жараёнини янада таомиллаштириш, соҳани замонавий билимларга эга малакали кадрлар билан тўлдириш, энг асосиси, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи илмий

# Институт ва корхона ҳамкорлиги


**соҳадаги муаммоларни назария ва амалиёт  
уйғунлигига ҳал этишига хизмат қилмоқда**

хулосалар чиқаришига сабаб бўлиши мумкинлигини тушунди. Заводдаги жараёнларда иштирок этаркан, соҳа тараққиётини таъминлаш учун, аввало, ресурстежамкор технологиялар устида ишлаш зарурлигига амин бўлди.

Энергия ресурсларини тежа орқали маҳсулот таннархини камайтириш ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг ташки ва ички бозордаги рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан. Шу маънода биз синовдан ўтказаётган янги энергиятежамкор, тезкор куидириувчи печнинг аҳамияти катта, — дейди Беҳзод Толипов. — Мақсадимиз — хозиргана хориждан келтирилётган турли асбоб-ускуналар, жумладан, комбинат корхоналарида ишлатаётган печлар ва уларнинг қисмларини маҳаллиялаштириб, юртимиздан ишлаб чиқариш. Ушбу курилма айни пайтда ишлатаётган мұқобилларига нисбатан хомашени тўлиқ, жадал куйдириш хусусиятига эгалиги билан ажralиб туради. Шунингдек, печ юзасидаги иссиқлик энергиясидан ишлаб чиқилган, термоэлектропрессор орқали олинган 12—14 Вт.ни ташкил килиади. Печ юзасидаги ҳарорат 120—130°C га етганда термоэлектропрессор электр токи ишлаб чиқара бошлайди. Шунингдек, печ юзасидаги иссиқлик энергиясидан ишлаб чиқилган, термоэлектропрессор орқали олинган 12—14 Вт.ни ташкил килиади. Ушбу курилма орқали печнинг энг нозик қисмларидаги ҳам ҳарорат тушиши ёки ортишининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш, шу асосида мавжуд, камчиликларни бартараф этиш мумкин.

Конституциянинг 42-моддаидаги ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиши, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилишини касб этмоқда, — дейди талаба. — Рудаларнинг боскичма-боскич майдаланиши ёки металларнинг суюлиш, куюлиш, кайнай жараёнига доир билимлар бизга назарий жиҳатдан ёд бўлиб кетган. Бирок амалиётта чиққанимизда билимларимиз ҳали етарли эмаслиги аён бўлди. Бу бўшлини тўлдиримай турб, мутахассислар каторига кўшилиш мушкул. Гидрометаллургия заводида рудаларнинг майдаланиши, уран оксидларнинг тузларга айланishi каби жараёнига амалга оширишда иштирок этарканман, металлургия соҳасида мураккаб таркибли олтин заррачаларини ажратиб олиш масаласи илмифон олдида долзарб вазифалардан эканни англадим ве келажакда бу борада илмий изланишлар олиб бориша ниятиданам.

Корхонада фаолият юритар экан, заводлардаги печларда ҳарорат тизимини доимий назорат килишда фойдаланилаётган термопаралар ҳам Беҳзод То-



хароратни ўлчаб, ахборотни хотирада сақлаб таҳжил этиши имконини берувчи ускуна ҳам иктисолидётимизга фойда келтириши мутахассислар томонидан ўтироф этилаёттириш. Ушбу курилма орқали печнинг энг нозик қисмларидаги ҳам ҳарорат тушиши ёки ортишининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш, шу асосида мавжуд, камчиликларни бартараф этиш мумкин.

Шу ўринда институт билан корхоналар ўртасида мустаҳкам ёнмкорлик ўрнатилгани мўҳим аҳамиятни касб этмоқда, — дейди талаба. — Рудаларнинг боскичма-боскич майдаланиши ёки металларнинг суюлиш, куюлиш, кайнай жараёнига амалга оширишда иштирок этарканман, металлургия соҳасида мураккаб таркибли олтин заррачаларини ажратиб олиш масаласи илмифон олдида долзарб вазифалардан эканни англадим ве келажакда бу борада илмий изланишлар олиб бориша ниятиданам.

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
"Ma'rifat" мухабири



## Муддатидан илгари талаба бўлганлар

Ҳар бир инсон жамиятда ўз ўринни топишга иштилади. Бу борада унга ота-онаси ва устозларининг қўллаб-қувватлаши, тўғри маслаҳат ва ёрдам берши ўта муҳим. Асосийси, ёш авлод қалбидаги болалигидан илмга, китоб мутолаасига рагбат уйготиш керак. Китоб ўйлчи юлдуз каби тўғри ўйл кўрсатади. Керак бўлса, манзилга вақтидан олдин етказади. Биз сўз юритмоқчи бўлган шўтидор эсалари ана шундай илмга чанқоқ, тиришкоқ ёшлиар сирасига киради. Улар минглаб тендендошлари тест синовларига қизгин тайёрланадиган паллада аллақачон талабалик баҳтини туйиб, ўқув иши тезроқ бошланишини сабрсизлик билан кутмоқда.

Жумладан, умумталим фанлари олимпиадасининг Коракалпогистон Республикаси босқичида коракалпоқ тили ва адабиёти фанидан биринчи ўринни эгаллаган Патима Узақбаева Нукус педагогика коллежи битирувчиси. Оразулар алдамайди, деганларидек, у болалигидан ўқитувчи бўлишин орзу киларди. Мана энди иқтидорли қизнинг интилишлари самара бериб, тенгдошларидан олдин талаба бўлди.

Иккинчи ўрин соҳибаси, Нукус давлат педагогика институти кошидаги академик лицей ўқувчиси Бибихадиша Жолдасбоева эса асли

чимбойлик. Тумандаги 45-мактабда таҳсил олган. Она тили ва адабиётга қизиқиши ҳам айнан мактаб давридан бошланган. Академик лицейда тажриби ўқитувчилари раҳбарлигида пухта тайёргарлик кўргани туфайли фан олимпиадасида 90,2 балл жамғарби, сорири ўринни кўлга киритди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали кошидаги академик лицей ўқувчиси Мехрибон Мамбетназова ушбу беллашувда учинчи ўринни эгаллаб, муддатидан илгари талабалар сафига кўшилди.

— Лицейимизда яратилган кенг имкониятлар изланишимга, яхши натижаларни кўлга киритишмага асос бўлди, — дейди Мехрибон. — Айниқса, коракалпоқ тили ва адабиёти бўйича ташкил этилган “Дилўар” тўғрагари иқтидорли ва билимли ёшлиарни бирлаштириб, ўзаро фикр алмашишга, турил адабиётлар билан танишиб, маънавий оламиимизни бойитишга хизмат килди.

Умумталим фанлари олимпиадасининг финал боскичида математикадан Коракалпоқ давлат университети кошидаги академик лицей ўқувчиси Даўранбек Абдуғаниев учинчи ўринни эгаллаб, устозларини беҳад севинтирган эди. Энди имтиёзли равишда талабалар сафига қўшилиб, ўқитувчиларини иккиси ҳисса қувонтириди. Иқтидорли ўқувчи бундан аввал ҳам кўплаб танловларда билимни синовдан ўтказган. Жумладан, академик лицейнинг 1- ва 2-босқичида таҳсил олаётган пайтлари Урганч давлат университетида ўтказилган беллашувда қатна-

шиб, иккинчи ўринни кўлга киритди.

— Лицейимизга кириб келишингиз билан иқтидорли ёшлиарнинг девордаги суратларига кўзингиз тушиди, — дейди Даўранбекнинг устозларидан бири Конжегул Жакаева. — Улар орасида беш нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси, спорт бўйича Ўзбекистон, Осиё чемпионлари, катор халқаро танловлар галиблари бор. Даўранбек ҳам таълим муассасамизга ўшига келган пайти уларга ҳавас қилганини айтганди. Мана, бугун унинг ҳам сурати иқтидорли ёшлиар қаторидан бироq олиди. Унинг ўз мақсади йўлида қанчалик изланганини, меҳнат қилганини яхши биламиш. Математика фанидан мамлакат босқичида 85,35 балл тўплаш осон эмас. Ўқувчим чин маънода талабаликка лойиқ ёшлиардан. Айни пайтда Даўранбек ўқишини Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида давом эттириш ниятида.

**Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,**  
“Ma'rifat” мубхира

## Абитуриент стресси

### уни қандай енгиш мумкин?

Қизганинг юраги “дук-дук” уради. Ишқилиб, текширувчилар сезиб қолмасин-да. Ўтган ўши омад кулиб боқмади. Бу гал барча имкониятлардан фойдаланиши керак. Айрим “маслаҳатгўй”ларнинг кўрсатмаси билан поинси баланд пойабзал товонига ихчам мобиль телефонини жойлаған. Энг муҳими, тапочка ичидаги телефон аудиторияга “согомон” кирса бўлди, у ёғини ўзи билади.

— Қани, қизим, пойабзаси лингизни очинг-чи!

Абитуриентнинг тарвузи кўлтиғидан тушди. Ана холос, чириқидан ўтказадиганларга бу “усул” таниш, шекили. Киз азойин-бадани қалтираб, оёқ кийимини ёчди. Масъул ходимлардан бирни маҳсус усуна билан қизнинг пойабзалидаги кўл телефонини осонгина топди. Режалаштирган иш барбод бўлди. Тестга киришидан энди фойда йўқ. Энди у ҳеч ким билан боғланга олмайди...

Ха, абитуриентлар билимини синовдан ўтказадиган ҳаяжони палла — 1 августрга саноқли кунлар қолди. Шу куни тест синовларидан етарлича балл тўплаш учун айрим абитуриентлар турли-туман йўлларни излайди. Мушкул вазиятдан чиқишининг ҳар қандай усули улар учун тўғри ва ҳаққонийдек туюлавериди. Аммо талабалик баҳти ўз билимига ишонган, иқтидори ва салоҳиятига мос соҳани аввалдан танлаб, пухта тайёргарлик кўрганлараганина насиб этади. Президентимизнинг 2017–2018 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълими мусассасаларига ўшига қабул қилиш тўғрисида”ги карорига мувофиқ, 66 минг 316 абитуриент бакалаврият босқичига қабул кили-

нади. Давлат тест маркази маълумотларига кўра, бу ийл таълим мусассалари қабул комиссиясига 729 минг 947 ta xujjat keliib tushgan.

Барча абитуриентларнинг кўнглида битта истак жўш уради: «Талаба бўлишим керак!». Табиийти, ўкув курслари ёки ўқитувчилари кўмагида танланган фан бўйича тайёргарлик кўрган, кўшимча манбалардан фойдаланиб, ўз билимини бойитган ёшлиар ўз мақсадига ёришиади.

**Зухра Эркабоева,**  
**Кўшработ туманинадаги**  
**34-мактаб ўқитувчisi,**  
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган**  
**халқ таълими ходими:**

— Абитуриент билан маълум муддат шуғулланган педагог уни ўз фарзандидек яхши кўриб қолади. Жумладан, мен ҳам ҳар бир шогирдим учун қайғураман. Ўтган ўши аниқ фанлар йўналиши бўйича тайёрланган 15 ўкувчимдан 12 нафари олий таълим мусассалари талабаси бўлгани мен учун кувонарли натижаш. Олти абитуриентни математика ва физика фанлари бўйича тайёрлаялман. Улардан бири бу йил иккинчи марта ўшига хужжат топшириди. Тест синовига тайёрланиш жараёнда.

— Кузатишлар шуни кўрсатади, абитуриентнинг тест синовига тайёргарлик кўриши учта муҳим жиҳат инобатга олинади, — дейди марказ рахбари Жаббор Ўсаров. — Гарчанд инсон танасида мурракаб кимёвий жараён кечса-да, абитуриент учун биологик омил тўғри белгилаш ва нафас олиш ритмига риоя килиш ўта муҳим ҳисобла-

ниади. Шу боис синовдан бир кун аввал кўп овқатланмаслик, жуда ёғли ва юқори калорили таомлардан тийилиш, кечки соат ўндан сўнг ҳеч нарса емаслик, ичмаслик, таом тайёрлаш учун фақат янги маҳсулотлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Тўғри нафас олиш организмда кечётган кимёвий жараённи мўттадиллаштиради. Абитуриент охирги учунда ортиқча юкламалардан холи бўлиб, ўта тор, нафас олишни кийинлаштирадиган, сўнгни топла либосларни киймаслиги керак. Физиологик омилга кўра спорт билан шуғулланиш, жисмоний ҳаракатда бўлиш абитуриентнинг хисхаяжонини камайтиради. Сабаби, тер орқали организмдаги кўркув, хисхаяжон чиқиб кетади. Эмбрионал-психик омил каттиқ ҳаяконда юрган йигит-қизларнинг юрак уриши, қон айланиси ва артериал қон босимига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг шарти жуда оддий: эрталади табассум билан ўйғониш ва бадантарбия машқларини чақон бажариш. Танадаги мускуллар иложи борича кўпроқ тортилиши ва ҷўзлиши керак. Мияни турли шовқинли, тембрни юқори оҳанглардан асрар, бўлар-бўлмас мусикаларни эшишидан воз кечиши, асаббузарликлардан сақланishi тест топширадиган йигит-қизлар учун жуда муҳим.

**Шахноза Широнова,**  
**Тошкент шаҳридаги 16-**  
**оиласий поликлиника**  
**умумий амалиёт шифкори:**

— Қайнатилган яхна гўшт, тухум, пишлок, творог маҳсулотлари абитуриент таомномасига киритилиши зарур. Хотира ва диккатни тиклайдиган, мияхжайраларини фаоллаштирадиган майиз, ёнгоқ кабиларни тановул қилиш турли сўнъий ва ярим тайёр маҳсулотлардан юз чандон афзалдир. Айниқса, фаст-фуд егуликлари ошқозоничак, бош мия системасига табии маҳсулотдек ижобий таъсир кўрсатмайди. Їз кунлари истеъмол учун энг ўхши суюқлик тоза сув бўлиб, безарар ва хафвасизdir. Бундан ташкири, ўшароитида тайёрланган олма, олхўри, олча, помидор шарбатини ичиш муҳим синов остошинасида турган абитуриент организмидаги чарчоқни чиқарб, тетикилик бағишилайди. Аксинча, газли сўнъий ичимликлар таркибида одамнинг оғзига хуш ёқадиган, уни ўзига тобе қиливчи кимёвий компонентлар бўлиб, хотирини заифлаштиради. Жигар фолиятини издан чиқаради. Айниқса, тест куни сўнъий ичимлик абитуриент хаёлини асло банд этмасин. Бунинг ўрнига, оддий сув фойдалари. 1 август арафасида қовун, тарвуз, шафтотли каби тез айнийдиган маҳсулотларни истеъмол килмаган маъкул. Тест синовларида тиббиёт ходими сифатида иштирок этиб, айрим йигит-қизларнинг овқатдан заҳарланиш вақтини бой берганига бир неча марта дуч келганимиз. Энг муҳими, тўғри овқатланиш қоидаларига риоя этиб, имкони борича табии маҳсулотларни истеъмол қилиш абитуриентларнинг тест синовларидан муввафқияти ўтишидан муҳим аҳамият касб этади.

**Хулкар ТЎЙМАНОВА,**  
“Ma'rifat” мубхира

2017-yil 26-iyul, № 59 (9020)

**“... пахта ичра  
оташ ул”**

- Бир гап айтсан, бирорга “гуллаб” қўймайсизми?
- Йўғ-э... Нима гап ўзи?
- Шу десангиз... Айтганла-  
рим сир бўлиб қолсин-а!
- Ишонаверинг!

Нари борса, уч кун ўтиб бу сир очилади. Гоҳида кимгадир ишониб айттаган излаш нотўғри. Ахир, донишмандлар ўзинг саклай олмаган сирни саклашни бошқалардан қандай талаб киласан, дея бе-жиз айтмаган. Сир шахсий ҳаётимиз, кўнгил кечинмаларимиз, кўрган-ке-чиргандаримиз, эшитгандаримиз, мақсад ёки резаларимиздан иборат бўлиши мумкин.

Шахсий, айниқса, оилави сирларнинг фош этилиши салбий ҳолат, — дейди Тошкент давлат иқтиносидёт университети ўқитувчи-си Бобоқул Раҳмонов. — Бу ўша оиланинг заиф томони бўлиб, кам-ситилишига сабаб бўлиш эҳтимоли бор. Масалан, оила аъзоларидан кимдир бирор касаллар билан оғриган бўлса, имкон қадар буни ёмаган маъқул. Сирни кимгадир айтишдан кўра, кундалика туширган яхширок, деб ҳисоблаганим учун маҳфий кечинмаларимни қоғозга тушириб бораман, энг муҳимларини, албатта. Ёзганларим кимнинг кўлига тушиб қолишидан хавфсизман-да.

Ҳа, гоҳида кўнгленинг туб-тубида саклаётгандаримиз сужксиз аъзо орқали ўттиз икки “посбон”, яъни тишларимизни да доғда қолдириб, “озодликка” чиқади. Жало-лiddин Румий таъбири билан айт-гандা:

*Сир не эрмиш,  
пахта ичра оташ ул,  
Қанча пинсон туттмагил,  
пайдо бўйур.*

**Сир сакламоқ — ҳам  
маҳорат, ҳам  
масбулият**

Кўпчиллик яхши тингловчи бўлиши мумкин, аммо ишончли сир-дош бўлиши қийин. Инсон ўз сирни саклай олиши — маҳорат, ўзганинг сирини ошкор этмаслиги эса ҳам маҳорат, ҳам масбулият эканлигини тажрибали психолог Муаттар Мейлиева куйидагича изоҳлади:

— Сир саклаш — мураккаб психологик жараён бўлиб, унда одамга таниш субъект томонидан маҳфий ахборот айтилиши заҳоти уни учини бир субъектга етказиш учун мойиллик ўйганид. Психологияда бунинг муддати турлича тавсифланади. Бу эса тарбиявий мухитга болгик бўлиб, қишидан мустаҳкам иро-да, сабр-каноат ва куч талаб эта-ди. Оилави ҳаётда асосан ота-ўғил, она ва қиз ўртасида сирлашиш мулокоти фаолрок. Шунга қарамай, ҳар қандай вазият-да психологолар сирни имкон кадар ўзида қолдиришини масла-ҳат беради.

Демак, киши сир саклашга болалигидано оdatланмоғи лозим. Халқимизда ҳәёттада тажрибаларга йўғилган бир нақл бор: болали уйда гап ётмас. Чиндан ҳам, бегубор қалб соҳиби ҳали сир нимаю, уни қандай саклаш кераклигини қаердан билсин!?

**С и р**

Бунга уни оиласидаги катталар — бобо-буви, ота-она ўргатади. Кексалар насиҳатига кулоқ тутсангиз, “Сир бой берма”, “Бирорнинг гапини бирорга етказма” деб кўп таъкидлашади.

**Бемор касаллигини  
бетига айтмаган**

Сир сакламоқ инсон тақдирига даҳлдор баъзи соҳаларда жуда муҳим саналади. Масалан, тиббиёт ходими тиб илмини пухта билиши баробарида касбнинг нозик қоидаларига ҳам амал қилиши зарур. Бемор ҳатто тузалмас дардга йўлиқкан бўлса-да, буни унга ошкор айтмаслик кераклиги тиббиётда қабул қилинган. Шифокорлик деонтологиясига кўра, бу касб эгаси бемор билан мулокотда ўта эҳтиёткор бўлиши лозим.

Бойсун тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармокли марказий поликлиника шифокори Мақсад Абдуллаев ҳар галгидек тонг саҳарлаб қабулига келган bemorларни кўридан ўтказарди. Бир кишининг толиқани, озиб кетгани сезилиб турарди. Текширувдан сўнг бунинг сабаби ойдинлаши: bemor қандли диабет билан оғриган, ошқозоности бези фаолияти сустлашган. Вуҷудини дард ёмираётган bemorга кўрик натижасини маълум қилиш қаттиқ руҳий зарба бўлишини яхши англалан шифокор бошқача йўл тутди. У билан дилдан сұхбатлашди. Соғлигини тикаш учун турмуш тарзини бирор ўзгартириши, овқатлашиш рационини тўғри белгалиши, оғир жисмоний юмушларни камроқ бажариб, кўпроқ дам олиши кераклигини таъкидлadi. Шундагина ҳар қандай дард ортга чекинишини ёшитган ҳалиги кишининг чехраси ёриди. Шифокор унинг яқинларига вазиятни ётиги билан тушунтириди. Улар ўз уйига дори-дармонлар рўйхати билан эмас, ёртган кунга ишонч ва фойдали маслаҳатлар билан қайди.

Кўп йиллик ҳәёттада касбий

Ёвга сўзининг чин айтма,  
Чин айтсанг ҳам, сир айтма.  
\*\*\*

Сир бой бердинг — боз бой бердинг.

\*\*\*

Сир учини сўз очар,  
Сир очгандан эл қочар.  
\*\*\*

Үй сири — ёпиғлик қозон.

(Ўзбек ҳалқ мақоллари)

Ошкор қилиб бўлмас сирларинг бўлса,

Дилингта жойлаю, унга муҳр бос.  
Эл оғзига тушгач зиёни кўпидир,  
Икки лаб ичидан сир чикса бехос!

(Мажидиддин Хавоғий)

**Афлотун ҳаким айтади:**

— Дунёда энг охиз ва нотавон одам ўз сирини яшира олмайдиган қишидир. Агар киши ўз сирини асрар олмаса, ҳеч қандай дўст уни асрарга кодир эмас.

(Абулбаракот Қодирий)

Икки қишининг сұхбатидаги гаплари омонатdir. Сұхбатдошининг сирини фош қилиш ҳаромдир.

(Хадис)



**Ruhiyat manzaralari**

таҳрибага эга Мақсад Абдуллаева тиббиёт ходимлари амал қилиб келадётган асрий қоидани ёддан чи-кармади: bemorрга ҳавфли касаллик тўғрисида очикдан-очик сўзла-мади, сир саклади. Энг муҳими, унда ҳаётта мухаббат, ёртсанги кунга ишонч ўйғотди.

**Қалам — “сотқин”**

